Бизнинг энг катга дардларимиздан бири шу бахосиз жахолат дардидур. Бошимизга хар бало келса, шу билмаслигимиздан келадур. Биз хар мушт есак, шу билмаслигимиздан еймиз. Болаларимизнинг тарбияси канча зарур бўлса, катталаримиз шунча жохилдир, хотинларимизнинг тарбияси шунча нокисдур. Бунинг устига эски тарбиянинг таъсири жуда кучлидур.

Хол шундай экан, бутун Туркистонимизда бармок билан кўрсатилурлик бир мактабимиз йўкдур; бизда тарбия ишларимиз шундай мухим экан, билим юртларимиз хароб; бизда ўкугон кишилар канча бўлмаса, факултетларимиз шунча бузук. Хозир биз тартиблик суратда ўкитувчи чикара олатургон бир илмий муассасага эга эмасмиз. Хозир хеч бўлмаса, таълим-тарбия ишларига рахбарлик кила олатургон бир журналимиз йўк. Очикча айтганда, бизда хали асослик бир нарса йўк...

Барчага маълумки, Туркистоннинг ахволи ва табиати бошкачадур, бундага ишларини олиб бормок учун ўз табиатига мувофик ишлаб чикармок арур. Бўлмаса, шу неча йилдаги тажрибаларимизнинг кўрсаткани каби, натижасиз коладур. Тузуккина бир ўкитувчимиз йўк экан, ибтидоий мактаб учун тузилган прўграммда 15 турлик фан киргизамиз, иш талаб киламиз; хали мактабда талаба йўк экан, биз Амрико усули билан таълим йўлларига машгул бўламиз. Бу ишларнинг хаммаси биздаги маориф ишларининг бир марказга богланмагони ва шу ишларни ишлаб чикоратургон бир муассасамизнинг бўлмагонидир.

Шу хакикатларини англаб бўлса керак, «маорифга муттахид фрўнт» ташкил этмакчи ва «Нашри маориф» уюшмалари ташкил килинмокчидур. Биз бу харакатларни олкишлаймиз ва бошка ишларимиз каби сусайиб колмаслигини кутамиз. Факат шу тўгриларда ўз фикримизни хам айтиб ўтмакчи бўламиз.

Туркистонда иктисодий ва ижтимоий фойдасига ишлатмак ва натижалик ишлар майдонга кўймок учун шу мамлакатнинг ахволи ва рухига мувофик харакат этиш канча керак бўлса, маориф ишларининг жиддий, Туркистон бошлик — рахбарларга мухтожмиз.

Хозиргача кўриб келган ишларимиз, ўткарган холларимиз бизга шуни зарур топадур. Биздаги ишларини «нари ёк» гази билан ўлчамак тўгри эмас.

Ёлгиз маориф ишларини эмас, ёшлар уюшмаларини хам шу кўзкараш билан текширсак, бу кунги ёшлар уюшмаларининг ўткан йиллардан кўра хароблигининг сабабини шундан топа оламиз. Бизда ёшларнинг тарбияси мухим. Холбуки, бунинт бирдан-бир ташкилоти бўлгон жой кундан-кун рухсиз, кундан-кун бузилмокда. Бунга хам жиддий бокмок абас эмасдур. Биз бир вакт бўлса-ку, шу асосларни ишлаб чиксак ва шулар билан ишимиз битса... Бу хам тўгри эмас; шу ўзимиз яшагон асосларни йўл юритмак учун ўз кўлимиз билан олиб бормогимиз лозим.

Биз тагин шу сўзни такрор киламиз; биз ўз кишиларимизга ишонч йўк, ўз кишиларимизни танимаймиз, ахамият бермаймиз. Гўё бизнинг кишиларимиз хеч нарсани билмайлар, гўё биз бир ишни кўлга олсак, бажара олмас эканмиз!

Бошкалар олим-фозил, уларнинг кўлидан хар иш келар эмиш, улар билиб иш килар эмишлар!

Мана бу эътикод бузук, курук даъво.

Бизнинг кишиларимиз ўзимизга караб, бошкалардан кўра пухта етишкан кишилар.

Бизнинг кишиларимиз назарий эмас, амалий ишчилар.

Хайр, биз ўз кишиларимизни унча маълумотлик деб хам айтмайлик. Шу холда биз даъво киламизки, шу кишиларимиз бошкаларининг олим, фозилларидан кўра бизга кўбрак фойда еткиза оладур. Чунки бизнинг холимизни, рухимизни биладур.
Бир вакглар «ахволи рухиячи» деб сўкиш хам кўб одат бўлгон эди. Бирок, таассубка карши шу ахволи рухияни риоя килишга мажбур эканимизни бу кун эътироф килишга тўгри келур. Чунки бизнинг ўзимиз чопиб бир ёкка кетмакчи эмасмиз, халкимизни олиб бормокчимиз, шунинг учун халкнинг рухини ўрганмак, текширмак ва сўнг ишламак керакдир.
Маориф ишларимизни йўлга кўймокучун бизда «Нашри маориф» очилди. Бунинг бўйнига олгон вазифаси жуда катта, жуда зўр. «Нашри маориф» тўгрисида ёзилгон бир макола хусусий жамиятларнинг бу майдонда ахамияти кўб деб айтадур ва хусусий жамиятларнинг бошка мамлакатлардаги ишлари кўрсатиладир. Бу бир жихатдан тўгри. Яъни кайси мамлакатдаки, уюшмак, ишламак умумий ва халк кўбрак уюшган ва шу уюшманинг оркасида маорифни энг коронги нукталарига элтмак осон жойлар учун муносибдур. Факат ўшал ерда хам хукуматдан ортик таъсир берадур, деб айтиб бўлмайдир. Айникса, бизнинг жумхуриятдаки, хусусий мактаблар очмок мумкин эмасдур ва хар бир тарбия муассасаси хукумат карамогида бўлиши лозимдур. Бу хусусий жамиятнинг рўли иккинчи даражада колур.
Холбуки, бизда биринчи даражада ишламак учун майдон зарур.
«Нашри маориф» уюшмаси ўзининг низомномасида жуда кўб ишларни ёзгон, кўзини юмуб устига юк ортгон (таъбир маъзур кўрилсун).
Биз шу ишларнинг барчасини хусусий жамият оркали эмас, хукумат воситаси билан олиб бормогимиз мумкиндур ва осондур.
Бу кун мактаб ишларимиз барбод деймиз, ўз жумхуриятимиз бўлгон Туркистоннинг ижтимоий тарбия шўъбасида ўз кишимиз йўк. Мен ундаги ишчиларни айбламак истамайман; хар канча ишчи киши бўлсалар хам бизча фойдалик иш кила олмайлар. Чунки бизни билмайдурлар.
Билим юртимиз бузук экан, шуларни идора эта тургон касабачилик маориф идорасига бир кишимизни кўя олмаймиз. Ўзбек илмий хайъати иш килмок истайдур, лекин кила олмайдур. Чунки ёлгиз. Кискаси, кишимиз йўк. Ишимиз юрмайдур.
Бултур айтилар эди: Тошкентнинг янги шахар мактаблари яхши таъмин этилган, эски шахарга кимса карамайдур.
Самарканднинг хунар мактаби мудирига канча мукофот берилар экан, ўлка ўзбек билим юрти икки ойдан бери ойлик олмайдур. Янги шахар факултети яхши таъмин этилган, бизнингча — эски тос!..
Мана бу холларни тузатиш хусусий жамият тузиш билан бўлмайдур, яна бўлмайдур! Хукумат идоралари оркали озгина гайрат билан буларни тузатиш мумкин. Калам учи билан бу холларни ўзгартиш осон. Бизнинг хар ишчимиз шуни эта олур. «Нашри маориф» шу холларга кандай чора кўра олур. Хали бу маълум эмас. Килса — маорифка доклад килар; нари ёги тагин маълум эмас! Эски вактда хукумат бизни «ўгай» дер эди, хозир биз ўзимизни ўгай каторида тутамиз. Бир оз ўзимизча жасорат киргиза олмаймиз, ташкаридан туриб бошимизни эшикдан чикиб караймиз-да, кириб ўлтирмакка журъат эта олмаймиз. Холбуки, эшик биз учун очик. Истасак, жой хам бизга хозир.
Менга колса, бизнинг «Нашри маориф» таъсис этишимиз ишдан узокрок боришдур. Марказдаги маориф ишчиларимиз ва хукумат бошликларимизнинг кичкина, арзимас бир гайрат ва ташаббуслари оркасида маориф идорасини нашри маориф рухига

айлантирмак мумкин-дур ва ўзимизни ўгайликдан чикармогимиз осондур. Факат бир оз гайрат, бир оз жасорат лозим...
В. М. Самарканд.
Идорадан: бу макола мубохаса йўли билан босилди.

Бу макола «Туркистон» газетасининг 1923 йил 25 март сонида эълон этилган.